

Республикамиз 2.800.000 тонна пахта тайёрлади

Бу пахтанинг 300 МИНГ тоннаси машина билан терилди

МЕХНАТ СОВГАЛАРИ ЧИРЧИҚ

Шаҳардаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 42 йиллиги шарафига мусобақани қизитиб, меҳнатда катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Шу йилнинг 10 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 108,5 процент бажарилди. Шу давр ичида ўтган йилнинг 10 ойидангига нисбатан 60 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди. Электрониме комбинати, «Чирчиксельмаш» заводи, Чирчиқ гидроэлектростанциялари каскади коллективлари унумли ишлаб, шаҳар корхоналари орасидаги социалистик мусобақада олдинги ўринларни эгалладилар.

ЯНГИЙУЛ

Шаҳар меҳнаткашлари Улуғ байрамга катта тортиқлар билан келдилар. Шаҳар бўйича 10 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани муддатидан 14 кун илгари — 17 октябрда тўла бажарилди ва планга қўшимча равишда 30 миллион сўмликдан кўпроқ турли хил кенг истеъмол буюмлари тайёрланди. Шаҳар саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақада пахта тозалаш заводи коллективи юқори кўрсаткичга эришди. Заводу ишлаб чиқариш процессларини тинимай механизациялаш ва автоматлаштириш натижасида меҳнат унумдорлиги 22,9 процент ошди.

ОЛМАЛИҚ

Республикамиз рангли металлургия саноатининг маркази — Олмалиқ кончилари, бинокорлари ва транспортчилари етти йилликнинг биринчи йили топириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Олтинтопан комбинати ва «Алмаликсинестрой» трести, саралаш фабрикаси, марказий ремонт-механика заводи, 1 ва 3-қурилиш бошқармалари коллективлари байрамолди бахтасида туриб ишлаб 10 ойлик плани анча ошириб адо этдилар. Шаҳар бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топириғи 103 процентдан зиёдроқ қилиб бажарилди.

БЕКОВ

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, Фарход гидроэлектростанцияси коллективлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Металлургия шу йилнинг 10 ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан анча илгари бажариб, қўшимча равишда мингларча тонна пўлат ва прокат тайёрладилар. Фарход ГЭС энергетиклари эса 10 ойлик пландан ташқари бир неча миллион киловатт-соатдан ортиқроқ электр қуввати ҳосил қилдилар.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ

Кеча редакциямизга хушхабар келди. Сталин номи колхоз аъзолари 800 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олиб, планини ошириб бажардилар. Давлатга 2186 тонна пахта топширдилар, машина билан пахта териш плани 125 процент бажарилди. Колхоз аъзолари давлатга яна 500 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Улуғ Октябрнинг 42 йиллигига бағишланган йиғилишлар

Тўқимачилар саройида 5 ноябрда тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг Улуғ Октябрнинг 42 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов докла қилди.

«Подъемник» заводида бўлган йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари М. А. Абдуразоқов доклад қилди. «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг Навоий номи опера ва балет театри биносидан ўтказилган йиғилишда доклад қилиш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габрильянцга сўз берилди. Тошкент облати партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Ф. Х. Хўжаев, П. М. Сазонов, И. Р. Арнаутов ҳамда партия ва совет ташкилотларининг бошқа раҳбарлари шаҳар саноат корхоналарининг коллективларидаги тантанали йиғилишларда доклад қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат ўстахлари, бадий ҳаваскорлик коллективлари томонидан байрам концертлари ва спектакли қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 2 20 (1482)

6 ноябрь, жума, 1959 йил.

Баҳоси 20 тийин.

Инсоният тарихида янги давр—капитализмнинг емирилиши ва социализмнинг тантанаси даврини очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг буюк илҳомчи ва раҳбар кучи бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

УЛУҒ ОКТЯБРЬ

«Аврора»нинг мағрур садолари янграб, чирик капитализмнинг бутун зулм ва иллатлари билан гўрга тикқан, жаҳонга янги бахтиёр замон — социализм замонасининг тантана қилиши даврини бошлаб берган Улуғ Октябр социалистик революциясига эртага 42 йил тўлади.

Бу шонли ва жанговар кун ҳар бир совет кишиси учун, жаҳон пролетариати учун беиҳёя азиз ва қимматлидир. Чунки озодлик ва эркинлик қувишдек бадқиб чиққан Улуғ Октябр зулм ва эрксизликни абадий чек қўйди, меҳнат аҳлининг озодлик нуруларидан баҳраманд қилди, уларга узоқ ва барқарор тинчлик бахш этди. Йилари чор империалистлари, маҳаллий бойлар ва феодаллар зулми, ҳақорати остида қулакка, ҳуқуқсизликка маҳкум этилган Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳам Улуғ Октябр кўши остида капитализмнинг жарканча ва азобли босқичини четлаб ўтиб, улуғ рус халқи, СССРдаги бошқа халқларнинг оғаларча самимий ёрдамида социализмнинг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олди. Энди Совет Ўзбекистони — СССР халқларининг қардошлик оиласида гуллаб-яшнаётган социалистик республика, Шарқда социализмнинг барқ уриб турган машъали. У ўзининг қудратли индустриясига, юксак техникага асосланган қишлоқ ҳўжалигига, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятига эга. Совет Ўзбекистони ўзининг ҳозирги тараққиёти даражаси жиҳатидан чет эл шарқи мамлакатларидангига эмас, ҳатто Европада тараққиғи этган капиталистик мамлакатлардан устун туради. Бу, Улуғ Октябр гоҳларининг тантанаси, ленинча доно миллий сийасатнинг самарасидир.

Улуғ Октябр асос солган кўп миллилатли Совет социалистик давлати — тинчлик, демократия ва социализмнинг қудратли таянчи сифатида Улуғ Октябр гоҳларининг ифодасидек жаҳонга озодлик ва эркинлик, тинчлик ва фаровонлик нуруларини сочиб турибди!

Улуғ Октябр революциясидан бери ўтган 42 йил ичида совет тузуми ўзининг буюк афзалликларини, ҳаётчанлигини, меҳнаткаш халқ оммаси азгу оруз-умидларининг

ёрқин ифодаси эканлигини аққол кўрсатиб турибди. Ҳозирги кунда Совет мамлакати тараққиётнинг шундай баланд чўққисига кўтарилдики, бу чўққидан коммунистик жамиятнинг ёруғ, нузли чўққилари равшан кўриниб турибди!

Ижодкор, қурувчи, коммунизм меъмори совет халқи КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошириб, жуда катта муваффақиятларни қўлга киритаётди, тараққиётнинг мисли кўрилмаган суръатлари билан олға бораётди. Дастлабки ҳисобларга қараганда йиллик план саноатда тахминан 4 процент ошириб бажарилди. Бунинг натижасида пландан ташқари 40 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди.

Улуғ Октябр вужудга келтирган совет тузуми ишлаб чиқариш кучларининг барқ уриб яшашни, совет кишиларининг ижодий меҳнати, ташаббуси ва ақл-заковатининг юзига чиқиши учун, фан ва маданиятнинг юксалиши учун шундай кенг истинболлар очиб бермоқдаки, ҳаёлат ёқасида турган капиталистик тузум бундай имкониятлардан бутунлай маҳрумдир. Совет кишилари 1959 йилнинг ўзида уч космик ракетани муваффақият билан осмон фазосига учирдилар, жаҳон фани тараққиётида ажойиб ва ёрқин янги саҳифа очилди. Совет олимлари осмон маилкаси — Ойнинг кишилар назаридан ҳаминча сир тутиб келган томонини фотосуратга олиш имкониятига эга бўлдилар. Бу билан улар совет фани ва техникасининг шон-шухратини бутун дунёга яна бир бор намоён қилиб кўрсатдилар.

Улуғ Октябр гоҳлари ашмоқда ва тантана қишлоқда. Бу гоҳлар СССРда социализмнинг узил-кесил ғалабасини таъминлаган, энди бўлача муваффақиятлар равишда коммунизм кураётган совет халқининг буюк ижодий ишларида, янги, порлоқ истиқбол сари бораётган улуғ хитой халқи, халқ демократияси мамлакатлари ишларида, Элба ва Адриатикдан Жанубий Хитой денгизигача қўзилган Улуғ социализм лагери ишларида ашмоқда, тантана қишлоқда!

Совет халқи бу йил Улуғ Октябр социалистик революциясининг

шонли 42 йиллигини ажойиб тарихий кунларда зўр ифтихор ва шодлик билан байрам қилмоқда. Уртоқ Н. С. Хрушчевнинг АҚШга қилган сафари, БМТ Бош Ассамблеясида ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақида қилган нутқи «совуқ уруш»га чек қўйиш, халқаро кескинликни юмшатишда катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлди. СССР Олий Советининг яқиндаги ўз ишини тамомлаган учинчи сессияси ҳамда Совет ҳукуматининг бошдаги Уртоқ Н. С. Хрушчевнинг сессияда «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сийсати тўғрисида» қилган тарихий доклади, Олий Совет қабул қилган бошқа ҳужжатлар Улуғ Октябр гоҳларининг ифодаси, совет халқи, бутун прогрессив инсоният оруз-умидларининг мужассами сифатида бутун дунё бўйлаб янграмоқда. Бу тарихий ҳужжатларда Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик, тотув бўлиб яшашдан иборат ленинча ташқи сийсати зўр куч билан моҳирона ифода этилгандир.

Совет Иттифоқи — тинчликсевар социалистик давлатдир. Ижтимоий ва давлат тузумлари турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш Коммунистик партия ва Совет давлати ташқи сийсатининг асосий бош йўлидир. В. И. Ленин Октябр революциясининг биринчи кунларидаёқ урушга барҳам беришга даъват этган эди. Улуғ Октябрнинг биринчи декретларидан бири суҳд ҳақидаги декрет эди.

Коммунистик партия ўз сийсатида ана шу ленинча тинчликсеварлик сийсатига амал қилиб келди ва келмоқда.

Бутун дунёдаги тинчликсевар халқлар Совет Иттифоқининг, социалистик мамлакатларнинг изчил тинчликсеварлик сийсатини тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқдалар. Чуқур мамнуният ва зўр ифтихор билан айтиш мумкинки, Улуғ Октябр гоҳларини изчиллик билан амалга ошираётган Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик лагер мамлакатлари ҳар қачонгидан ҳам мустақкам жипслашгандилар. Чунки улар қўлида Улуғ Октябрнинг тинчлик, демократия ва социализм гоҳларини ўзида муҳасам этган ғойиб байроғи ҳилпираб турибди!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Тугилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан, кўп йиллар ва ҳалол ишлаганлиги учун, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудри Ғани

Султонов Султонов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Тугилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан, кўп йиллар ва ҳалол ишлаганлиги учун, Ўзбеки-

стон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг директори Иброҳим Файзиевич Мухамедов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ИЛҒОР МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАРИ



Суратларда: (chapдан) Сирдарё районидagi «Малик» тажриба ҳўжалигининг 201 тоннадан ошириб пахта терган механизатори Жавод ҚҲЧИЕВ, Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг моҳир механизатори, ЎзССР Олий Советининг депутаты Василй БИБАРОВ, донгдор ТЮПКО, Боевут районидagi Карл Маркс номи колхозининг масумда 100 тоннадан ортиқ пахта терган механизатори Қўлош ОМОНБОВ, Янгийўл районидagi Киров номи колхозининг механик-ҳайдовчиси Борис ШЕРЕМЕТ, Ўрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» колхозининг механик-ҳайдовчиси КИМ Владимир ўртоқлар.

В. Салов, М. Нуриддинов, А. Палехов фотолар



П. Шестаков ишлаган фотомонтаж.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МАШИНАДА ПАХТА ТЕРИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

процент бажарган «Оқўрғон» совхозлари ажойиб кўрсаткичларга эришдилар.

Пискент районидagi Хрушчев номи колхоз машина териш планини 186,0 процент, Янгийўл районидagi Киров номи колхоз 111,0 процент, Чиноз районидagi «XXI партсъезд» колхоз 137,9 процент бажардилар.

Давлатга 65486 тонна ёки бутун 1958 йилга нисбатан тўрт баравар кўп пахта машинада терилди.

Кўй Чирчиқ району пахтани машинада териш планини 164,23 процент, Пискент району 129,83 процент, Чиноз району 128,03 процент, Оржоникидзе району 113,6 процент, Бўка району 111,47 процент, Оқўрғон району 106,78 процент бажардилар.

Область совхозлари ҳам машинада пахта териш юзасидан белгиланган плани муваффақият билан бажардилар. Машинада пахта териш планини 187,33 процент бажарган «Бўка» совхоз ҳамда машина териш планини 158,67 процент бажарган «ЎзССР беш йиллиги» 208 процент бажарган «Гулистон», 122,33 процент бажарган «Малик», 108,05

си Азиз Зитуллаев СХМ — 48М ва ХВС — 1,2 машиналарида 150 тонна, 4-«Боевут» совхоз комплекс механизациялаштирилган бригадасининг бошлиғи Насиб Бекиров СХМ — 48М ва ХВС — 1,2 машиналарида 137 тонна, Чиноз районидagi Сталин номи колхозининг механик-ҳайдовчиси Эргаш Райимқулов СХМ — 48М машинасида 125 тонна, Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчиси Василй Бибаров 115 тонна, Гулистон районидagi Карл Маркс номи колхоздан механик-ҳайдовчи Айтбергенов СХМ — 48М машинасида 112 тонна, Ўрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» колхозининг механик-ҳайдовчиси Ким Владимир СХМ — 48М ва ХВС — 1,2 машиналарида 103 тонна, 3-«Боевут» совхозининг механик-ҳайдовчиси Месут Решитов СХМ — 48М машинасида 97 тонна ва Янгийўл районидagi Киров номи колхозининг механик-ҳайдовчиси Шеремет СХМ — 48М машинасида 85 тонна пахта тердилар.

Область механизаторлари масвум охиригача пахта териш ва курак териш машиналарида 75—80 минг тонна пахта териш ва яқин кунлар ичида набул қилинган социалистик мажбуриятни ҳам бажариш учун курашмоқдалар.

